O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2024 yil «10» январь №ПҚ–13

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатишга кенг миқёсда ўтишини рағбатлантириш, шунингдек, замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали жамоатчилик назоратига асосланган рағбатлантириш институтини янада такомиллаштириш мақсадида:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган жисмоний шахсларни манзилли қўллаб-қувватлаш, шунингдек, чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган фуқароларга харид суммасининг 1 фоизини республика бюджетидан қайтариш тартибини такомиллаштириш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган фуқароларга солиқ имтиёзларини қўллашни тартибга солиш.

**2.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

Тошкент шаҳри

SOLIQ QO‘MITASI
Кириш: 00086-ютк
2024 йил "10" январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 10 январдаги ПҚ–13-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги "Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–5252-сон қарори 1-бандининг "а" кичик бандида:

а) биринчи хатбошидаги "2022 йил 1 январдан" сўзлари "2024 йил 1 январдан" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иккинчи хатбоши "харид суммасининг" сўзларидан кейин "базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 бараваридан ошмаган қисмидан" сўзлари билан тўлдирилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–57-сон қарорида:

а) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"9. Белгилансинки:

а) умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган ва улардан фойдаланувчи шахслар, улар фойдаланишга топширилган кундан эътиборан уч йил муддатга, қуйидаги солиқларни тўлашдан озод этилади:

ушбу қурилмалар бўйича – юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, алоҳида турувчи қурилмалар билан банд бўлган ер участкалари бўйича – юридик шахслардан олинадиган ер солиғини, электр энергиясини умумий тармоққа сотишдан олинган фойда бўйича – фойда солиғини;

уй-жой фондининг кўчмас мулк объектлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини.

Агар қурилмалар ўрнатилаётган қуёш панеллари қувватининг 25 фоизидан кам бўлмаган қувватни ташкил этадиган электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса, ушбу кичик бандда назарда тутилган солиқ имтиёзлари улар фойдаланишга топширилган кундан бошлаб ўн йил муддатга қўлланилади.

Ушбу кичик бандда белгиланган солиқ имтиёзлари жисмоний шахсларга улар томонидан умумий қуввати 1 кВтдан ортиқ бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилганда ҳар бир объект бўйича бир маротаба қўлланилади.

Бунда солиқ имтиёзларининг йиллик миқдори жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича эса – базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги лозим;

б) 2023 йил 1 мартдан бошлаб ягона электр энергетика тизимига уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди”.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги “2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–113-сон қарорида:

а) 4-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2024 йил 1 январдан бошлаб “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган жисмоний шахслар 2-иловадаги рўйхатга мувофиқ товарларнинг чакана савдо объектларида харидини амалга оширганда ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобил иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказганда, уларнинг банк карталарига ҳар ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи миқдоридаги тўлов ўрнига, харид суммасида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси республика бюджетидан қайтарилади. Бунда қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача бўлган харидлар суммаси доирасида амалга оширилади”;

б) 2-илова қуйидаги мазмундаги 6–8-бандлар билан тўлдирилсин:

“6. Ун

7. Шакар

8. Дори воситалари ва тиббий хизматлар”.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“банк картаси тури (корпоратив ёки шахсий)”;

учинчи – ўттизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи – ўттиз биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 255-сон қарорида:

а) 1-банднинг “а” кичик банди учинчи хатбошисидаги “, шу жумладан, корпоратив карталар” сўзлари “(корпоратив банк карталаридан ташқари)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Жисмоний шахслар томонидан бир ой давомида сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 бараваридан ошмаган қисмидан бир фоизи (кейинги ўринларда – товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми) уларнинг фискал белгили чеклари солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилган тақдирда қайтарилади”;

4 ва 5-бандлардаги “, шу жумладан, корпоратив карталар” сўзлари “(корпоратив банк карталаридан ташқари)” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**
**QARORI**

2024 yil «10» января №ПП–13

# О внесении изменений и дополнений в некоторые постановления Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан

В целях стимулирования широкомасштабного перехода субъектов предпринимательства и населения к установлению установок возобновляемых источников энергии, а также дальнейшего совершенствования института поощрения, основанного на общественном контроле, путем применения современных информационных технологий:

**1.** Внести изменения и дополнения в некоторые постановления Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан согласно приложению, предусматривающие:

совершенствование порядка адресной поддержки физических лиц, внесенных в «Единый реестр социальной защиты», а также возврата гражданам, осуществившим покупки на объектах розничной торговли, общественного питания и оказания бытовых услуг, 1 процента от суммы покупки из республиканского бюджета;

регулирование применения налоговых льгот к гражданам, установившим установки возобновляемых источников энергии.

**2.** Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент

Приложение
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 10 января 2024 года № ПП–13

## Изменения и дополнения, вносимые в некоторые постановления Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан

**1.** В подпункте «а» пункта 1 постановления Президента Республики Узбекистан от 4 октября 2021 года № ПП–5252 «О дополнительных мерах по совершенствованию использования контрольно-кассовой техники в сфере розничной торговли и оказания услуг»:

а) в абзаце первом слова «с 1 января 2022 года» заменить словами «с 1 января 2024 года»;

б) в абзаце втором после слов «возвращается 1 процент от суммы покупок» дополнить словами «в части, не превышающей 20 миллионов сумов,».

**2.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 16 февраля 2023 года № ПП–57 «О мерах по ускорению внедрения возобновляемых источников энергии и энергосберегающих технологий в 2023 году»:

а) пункт 9 изложить в следующей редакции:

«9. Определить, что:

а) лица, установившие и использующие установки возобновляемых источников энергии общей мощностью до 100 кВт, освобождаются сроком на три года, со дня введения их в эксплуатацию от уплаты:

налога на имущество юридических лиц – по данным установкам, земельного налога с юридических лиц – по земельным участкам, занятым отдельно стоящими установками, налога на прибыль – по прибыли, полученной от реализации электроэнергии для общей сети;

налога на имущество физических лиц и земельного налога с физических лиц – по объектам недвижимости жилищного фонда.

В случае установления установок с системой накопления электрической энергии мощностью не менее 25 процентов мощности устанавливаемых солнечных панелей налоговые льготы, предусмотренные данным подпунктом, применяются сроком на десять лет со дня введения их в эксплуатацию.

Налоговые льготы, установленные настоящим подпунктом, применяются к физическим лицам в случае установления ими установок возобновляемых источников энергии общей мощностью более 1 кВт по каждому объекту один раз.

При этом годовой размер налоговой льготы не должен превышать по налогу на имущество физических лиц – двукратного размера базовой расчетной величины, по земельному налогу с физических лиц – размера базовой расчетной величины;

б) с 1 марта 2023 года при подключении к электрическим сетям установок возобновляемых источников энергии, не превышающих мощность, указанную в технических условиях, выданных для подключения к единой электроэнергетической системе, получение дополнительного технического условия не требуется».

**3.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 5 апреля 2023 года № ПП–113 «О дополнительных мерах по расширению и поддержке производства и переработки сельскохозяйственной продукции в 2023 году»:

а) абзац второй пункта 4 изложить в следующей редакции:

«с 1 января 2024 года при осуществлении физическими лицами, включенными в «Единый реестр социальной защиты», покупки товаров, указанных в приложении № 2, на объектах розничной торговли и зарегистрировавшими эти покупки в специальном мобильном приложении налоговых органов путем сканирования фискальной отметки чека покупки с помощью матричного штрихового кода (QR-кода), на их банковские карты по итогам каждого месяца вместо 1 процента от суммы покупки возвращается из республиканского бюджета уплаченная сумма налога на добавленную стоимость в сумме покупки. При этом возвращение суммы налога на добавленную стоимость осуществляется в пределах суммы покупок до десятикратного размера базовой расчетной величины за месяц»;

б) приложение № 2 дополнить пунктами 6–8 следующего содержания:

«6. Мука

7. Сахар

8. Лекарственные средства и медицинские услуги».

**4.** В тексте на государственном языке в пункте 7 Положения о порядке применения онлайн контрольно-кассовых машин и системы виртуальной кассы при осуществлении денежных расчетов с населением, утвержденного постановлением Кабинета Министров от 23 ноября 2019 года № 943:

дополнить абзацем третьим следующего содержания:

«банк картаси тури (корпоратив ёки шахсий)»;

абзацы третий – тридцатый считать абзацами четвертым – тридцать первым соответственно.

**5.** В тексте на государственном языке постановления Кабинета Министров от 12 мая 2022 года № 255 «О дополнительных мерах по повышению эффективности общественного контроля в сфере торговли и оказания услуг»:

а) в абзаце третьем подпункта «а» пункта 1 слова «, шу жумладан, корпоратив карталар» заменить словами «(корпоратив банк карталаридан ташқари)»;

б) в приложении № 1:

пункт 3 изложить в следующей редакции:

«3. Жисмоний шахслар томонидан бир ой давомида сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 бараваридан ошмаган қисмидан бир фоизи (кейинги ўринларда – товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми) уларнинг фискал белгили чеклари солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилган тақдирда қайтарилади»;

в пунктах 4 и 5 слова «, шу жумладан, корпоратив карталар» заменить словами «(корпоратив банк карталаридан ташқари)»;

в пункте 6:

абзац второй исключить;

абзацы третий и четвертый считать абзацами вторым и третьим соответственно.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1